# МАҚСАДИМИЗ—ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ



Собиқ Иттифоқ инқирозга юз тутгач, унинг таркибидаги республикалар халқ таълими вазирликлари ҳам мустақил иш юрита бошлади. Аёнки, қисқа фурсатда ижобий натижаларнинг қўлга киритилганлиги шубҳасиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида халқ таълимини юқори поғоналардан бирига олиб чиқиш, келажак авлоднинг етук кишилар бўлиб шаклланиши мақсадида жумҳурият Президенти томонидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, ўқитувчиларга берилган имтиёзлар, ўқувчиларнинг бепул иссиқ овқат билан таъминланиши, шулар қаторида ўқув дарсликлари ва дастурларининг миллий тилда, асл нусхада шаклланаётганлиги Иттифоқнинг марказлаштирилган бир тизимдаги йўриғисиз ҳам муҳим ишлар қилиш мумкин эканлигидан далолат бериб турибди.

Бироқ бу билан Иттифоқ тарқалди, энди ҳар ким ўз билганича иш тутиши керак деган хулоса чиқмаслиги лозим. Чунки Иттифоқнинг тарқалиши табиий ҳолат ёки қачонлардир бўлиши муқаррарлигидек, республикалар халқ таълими тизимининг йўналиши ҳам бир-бирига ўхшаш, бир-бири билан чамбарчас. Олдинда қўйилган мақсад ҳам битта — ёшларга сабоқ бериш, таълим-тарбиянинг янги поғоналарини шакллантириш.

Мақсадлар муштарак бўлганлиги учун ҳам республикаларнинг халқ таълими вазирликлари, шу тизимда ишлайдиган педагогларнинг илғор тажрибалари оммалаштирилиб, фикрлар алмашилмоқда, ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида қабул қилинган меҳмонлар ҳам айнан шу ниятда эканликларини билдиришди. Улар Россия Федерацияси Халқ таълими вазирлигининг етук мутахассислари, илғор педагоглар бўлиб, Ўзбекистонда таълим борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида эканликларини айтишди.

Меҳмонларни Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини И. С. Саиджонов қабул қилиб, қисқа даврда Республика халқ таълимида қилинган ишлар билан уларни таништирди, шунингдек, Россия Федерацияси Халқ таълими вазирлиги билан мунтазам алоқа ўрнатиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳар икки томон учун ҳам ижобий натижа беришини алоҳида таъкидлади.

— Минг бор эшитгандан кўра, бир марта кўз билан кўришни маъқул топдик, — дейди Россия Федерацияси халқ таълими вазирининг муовини, меҳмонлар гуруҳининг бошлиғи В. К. Бацин. — Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида, мустақилликка эришилгач, анчагина ишлар қилинганлигини, илғор тажрибалар кўпаяётганлигини эшитгандик. Бугун эса ана шу муҳим ишларни ўз кўзимиз билан кўриб, ўрганишга, тажрибаларимиз билан ўртоқлашишга келганмиз...

Хуллас, меҳмонлар ўн кунлик сафар давомида Тошкент, Навоий, Самарқанд ва жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидаги халқ таълими бўлимларида ҳам мактаб ва боғча, ҳунар-техника билим юртларида бўлишади. Расмий учрашувдан сўнг улар Тошкент шаҳридаги мактаблар тажрибасини ўрганишга йўл олдилар. Меҳмонларга Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев ҳамда вазирликнинг мутахассислари ҳамроҳлик қилишмоқда.

Суратда: Ўзбекистон халқ таълими вазирлигида қабул қилиш маросимидан лавҳа.

**Р. Альбеков олган тасвир.**

# ТАЪЛИМДА САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Ўқув жараёнига компьютер техникасини жорий этиш бугунги кунда таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлиб қолди. Бу борада республикамизнинг турли шаҳар ва туманларида муайян тажрибалар ҳам тўпланди. Ана шу тажрибаларни умумлаштириш, ўқув жараёнини компьютерлаштиришни кенг йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманида шу йил 18 майда ўтказиладиган «Ўқув жараёнига электрон-ҳисоблаш техникасини жорий этиш самарадорлигини ошириш» мавзуидаги жумҳурият илмий-амалий анжуманида ҳам илғор тажрибани оммалаштириш кўзда тутилади.**

**Бу катта анжуманни нима учун мазкур туманда ўтказишга қарор қилинди? Туман мактабларида ўқув жараёнига ҳисоблаш техникасини жорий этишдаги тажрибалар нималардан иборат? Мухбиримиз ана шу саволлар билан туман халқ таълими бўлими методика кабинетининг мудири Абдутолиб БОЙЖИГИТОВга мурожаат қилди.**

— Жумҳурият илмий-амалий анжуманининг бизнинг туманимизда ўтказилишига асос бор. Чунки мактабларимизнинг ўқитувчилари кўргазмалиликнинг таълим-тарбияда катта аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, республикада биринчилар қатори ЭҲМни ўқув жараёнига татбиқ этишга киришган эдилар. Ана шу мақсадда мактаб кенгаши раиси, хўжалик раҳбари Абдураззоқ Қаюмов ташаббуси билан 1986 йилда «Корвет» маркали бир комплект электрон-ҳисоблаш машинаси сотиб олинди. Орадан тўрт йил ўтгач, туман халқ таълими бўлими мудири Холмўмин Шукуров ташаббуси билан 16 комплект ана шундай электрон-ҳисоблаш машиналари мактабларга олиб берилди.

Мактабларни компьютерлаштиришга бундай эътиборнинг сабаби нимада, деган ҳақли савол туғилади, албатта. Бу, аввало, таълим жараёнининг мазмунини бойитиш, замонавий ахборот воситаларини ўқув жараёнида қўллаш, таълимнинг қоғозсиз технологиясини жорий этишни давр талаб этаётгани билан боғлиқдир. Бундан қатор мақсадлар ҳам кўзда тутилади. Узлуксиз таълимни амалга ошириш, ўқитувчига табақали ҳақ тўлаш, ўқув жараёнида бир қолипдаги дарсларга барҳам бериш, ўғил-қизлар билим сифатини ошириш, уларнинг билимини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, иқтидорли болаларни танлаш ва уларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш ана шулар жумласидандир.

Бироқ, компьютерлаштириш бир қатор муаммоларни ҳам олдимизга кўндаланг қилиб қўйган эди. Жумладан, ўша пайтда ЭҲМ билан ишлайдиган малакали мутахассис кадрлар етишмас, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги деярлик йўқ, дарслик ва дастурлар яратилмаган, ўқитувчилар мустақил дастур тузиш малакасига эга эмас эди. Мазкур муаммоларни туманимиз халқ таълимига қарашли мактабларда ҳал этиш учун ички имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Бу борада бизга «Ўзбекўқувавтоматика» ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари яқиндан ёрдам бердилар. Корхона мутахассислари билан 1990 йилдан буён шартнома асосида ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Дастлабки йилда туманимиздаги мактабларнинг 16 ўқитувчиси қайта тайёрлаш курсидан ўтган бўлса, бу йил 28 муаллим ана шундай курсларда етарли малака ҳосил қилишга эришди. Қайта тайёрланган ўқитувчилар орасида бошланғич таълим, рус тили, чет тили, жуғрофия, кимё, биология муаллимлари ҳам бор.

Ҳозирги пайтда туманимиз мактабларидаги 881 ўқитувчидан 52 нафари ЭҲМдан фойдаланишни мукаммал билади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос дарс ишланмаларини яратганлар. Бу малакали ижодкор ўқитувчилар ўқув жараёнини компьютерлаштиришда олтин фондимиздир. Уларнинг бевосита ёрдамида ҳаракатдаги семинар, ўқув машғулотлари ўтказилиб келиняпти.

Туманимиздаги Охунбобоев номли 1-мактаб ЭҲМ ёрдамида дарс ўтишни ўқитувчиларга ўргатишнинг чинакам тажриба манбаи бўлиб қолди, десак янглишмаймиз. Мактабнинг малакали ўқитувчилари Нурилла Эрназаров, Саодат Қувватовалар 75 кишилик мактаб педагогик жамоасига компьютердан фойдаланиш сирларини ўргатмоқдалар. Бундай тажриба мактаблари бошқа билим масканларимизда ҳам мавжуд.

Ҳозирги пайтда синфдан синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини тест синовлари орқали ўтказиш борасида ҳам жиддий ишлар йўлга қўйилмоқда. Туманимиз халқ таълими бўлими, методика кабинети мактабларнинг методика кенгашлари билан келишган ҳолда яхши ишга қўл урдилар. Ўқув масканларимизда «Тест банклари» ташкил этилди. Тестнинг машинали ва қўлёзма шаклидаги турлари ҳам яратилди. Масалан, адабиётдан тест синови учун туман мактабларида тайёрланган 20 вариантдан, ҳар томонлама муҳокама этилиб, тўрт варианти сараланди ва тест усулида имтиҳонларда фойдаланиш учун берилди. Ҳар бир вариантда 50 тадан, тўрт вариантда эса 250 та савол бор. Ўқувчи хоҳлаган вариантини танласа, унга ЭҲМ экранида 50 та савол намоён бўлади. Шу саволларнинг 85 фоизини тўғри ҳал қилган ўқувчини машина мусиқа чалиш билан қаршилайди. Бу ўқувчи тест синовини «аъло» баҳога топширди деган гап. Биз, ҳатто, машина ижро этадиган мусиқани ҳам миллийлаштиришга эришдик. Адабиёт фанидан бундай ишланмани адо этишда олий тоифали ўқитувчилар Алишер Болибеков, Насиҳат Дўстназарова, Сайёра Анорова алоҳида намуна бўлдилар.

Физика, математика, кимё, жуғрофия, тарих, чет тили, меҳнат, одобнома, инсон ва жамият фанларидан тест дастурларини яратишда ҳам муваффақиятга эришилди. Бунда ўқитувчилардан А. Шукуров, А. Назаров, И. Омонов, Р. Абдухолиқова ва бошқаларнинг ижодкорлиги катта аҳамият касб этди.

Бошланғич таълимда ЭҲМни қўллаш борасида 19-мактаб ўқитувчиси Туйғуной Раҳимова, 13-мактаб ўқитувчиси Назира Ҳожиева, 6-мактаб муаллимаси Дилором Шукурова, 15-мактабдан Кубарро Эралиевалар ҳам катта тажриба тўплашди. Улар машғулотларни компьютер асосида ўтказиш юксак самара беришини амалда исбот қила олдилар.

Яқинда туман халқ таълими бўлимига ҳам 2 та компьютер ўрнатилди. Бу электрон-ҳисоблаш машиналари орқали эндиликда бошқаришни компьютер орқали адо этиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Ўтказиладиган жумҳурият миқёсидаги илмий-амалий анжумандан ҳам умидимиз катта. Чунки унда вазирлик, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари, малака ошириш институтлари услубчилари, кўпгина олий ўқув юртларидан мутахассислар, олимлар ҳам қатнашдилар. Ана шу анжуман давомида 20 дан зиёд ўқитувчиларимизнинг амалий ишлари ҳам тарғиб этилади.

Анжуманга пухта тайёргарлик кўришда Гулистон Давлат дорилфунуни информатика кафедрасининг катта ўқитувчиси Исматулла Исҳоқов, Мирзаобод туманидаги 4-мактаб информатика фани ўқитувчиси Абдураҳим Холиқовлар ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ўйлаймизки, анжуман қатнашчилари учун ташкил этиладиган очиқ дарслар, семинар-дарслар, тузилган режа ва дастурларнинг муҳокамалари, илғор тажрибаларни алмашиш, илмий янгиликлар билан танишув ўқув жараёнини компьютерлаштириш борасидаги ишларнинг янги босқичга кўтарилишига имкон яратади. Бу, ўз навбатида, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишга ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**М. РАҲМОНОВ**
**суҳбатлашди.**

*Она тили ва адабиёт ўқитувчиларига тавсиялар*

# СИНОВЛАР ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1992—93 ўқув йилини якунлаш, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш юзасидан буйруғига асосан, 5-синфда она тилидан диктант, 8-синфда оғзаки синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари бўлади. 11-синфда она тилидан диктант, адабиётдан оғоғзаки; 9-синфда она тилидан ижодий баён, адабиётдан оғзаки битириш имтиҳонлари ўтказилади.

Синфдан синфга кўчириш ва битириш имтиҳонлари учун диктант матнлари ўқитувчи томонидан тайёрланиб, методбирлашма йиғилишида муҳокамадан ўтказилади ва мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланади. Диктант матнлари таълимий ва тарбиявий жиҳатидан давр талабига мос бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Диктант матни 5-синфда 100—110, 11-синфда 220—240 сўз ҳажмида бўлиши, ўқитувчи диктант мавзуи ва мақсадини ҳисобга олиб, матндаги сўзлар миқдорини камайтириши ёки кўпайтириши мумкин.

Диктантни баҳолашда қуйидагича мезон белгиланади:

**«5» баҳо:** а) мутлақо хатосиз ёзилган; б) қўпол бўлмаган битта имло ёки битта ишорат хатоси бўлган диктантга қўйилади.

**«4» баҳо:** иккита имло ва иккита ишорат хатоси бўлган диктантга қўйилади. Хатолар нисбати ўзгариши мумкин, лекин миқдори тўрттадан ошмаслиги керак.

**«3» баҳо:** тўртта имло ҳамда тўртта ишорат хатоси бўлган диктантга қўйилади. Хатолар нисбати бошқа кўринишларда бўлиши ҳам мумкин, лекин миқдори юқоридагидан ошмаслиги керак.

**«2» баҳо:** еттидан зиёд имло ва яна шунча ишорат хатоси бўлган диктантга қўйилади.

8-синфда она тилидан синфдан синфга ўтказилади. Имтиҳон билетлари ўқитувчи томонидан тузилади, методбирлашма йиғилишида муҳокама этилиб, мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Битирувчи 9, 11-синфларда адабиётдан оғзаки имтиҳон бўлади. Имтиҳон билетларидан намуналар Республика ўқув-методика маркази томонидан тайёрланиб, жойларга юборилган.

Ўқувчиларнинг она тилидан оғзаки жавобларини баҳолашда қуйидагилар ҳисобга олинади: а) жавобнинг тўлиқ ва изчиллиги; б) мавзуни ўзлаштириши ва тушуниш даражаси; в) жавобнинг аниқ ва мантиқли ифодаланиши; г) жавобда адабий тил меъёрларига риоя қилиниши.

Шунингдек, адабиётдан оғзаки имтиҳонлар учун қуйидаги баҳо мезонлари белгиланади:

1. Ўқувчи имтиҳон саволларига тўлиқ жавоб берса, бадиий асарни ифодали ва хатосиз ўқиса, асар матнини чуқур билганлиги сезилиб турса, асар ғояси ва аҳамиятини тўғри тушунса, ўқиган асарларига мустақил баҳо беролса, асар қаҳрамонларига ўз муносабатини билдиролса, адабиёт назарияси бўйича асосий тушунчаларни билиши сезилиб турса, ўқиганларини ҳаётга татбиқ эта олса, нутқида равонлик бўлса, шеърий асарларни ифодали ўқиса, «5» баҳо қўйилади.

2. Ўқувчи имтиҳон саволларига жавоб берса, асар мазмунини ва қаҳрамонлар тимсолини, эстетик аҳамиятини тўғри тушунса-ю, асар ғояси ва бадиий хусусиятларини характерлаганда айрим камчиликларга йўл қўйиса, ўз фикрини исботлаш жараёнида ёки бадиий асарлардан парчалар, шеърий асарларни ўқишда жузъий хатоларга йўл қўйса, жавоб етарли даражада изчил бўлмаса, «4» баҳо қўйилади.

3. Ўқувчи билетдаги саволларга асосан жавоб берса-ю, асарнинг ғоявий мазмунини очишда, адабиётшунослик тушунчаларини таҳлил қилишда, ифодали ўқишда нуқсонга йўл қўйса, яхши ўқиёлмаса, нутқида камчиликлар бўлса, «3» баҳо қўйилади.

4. Ўқувчи саволларга умуман қаноатланарли жавоб беролмаса, «2» баҳо қўйилади.

9-синф ўқувчилари она тилидан ижодий баён ёзадилар. Ижодий баён ўқувчиларни ижодий изланишга, ижод қилишга, мустақил фикрлашга ўргатадиган ёзма иш туридир.

Ўқитувчи ижодий баён учун 350—400 сўзли матн тайёрлаб, методбирлашма муҳокамасидан ўтказади ва тасдиқлатади.

Имтиҳонда баён матнининг бошланиш қисми (1—2 абзац) ўқиб берилади. Режа тузиш ва баённинг давомини ёзиш ўқувчиларга ижодий иш қилиб топширилади.

Ижодий баён бошқача шаклда бўлиши ҳам мумкин. Баён матнининг ҳаммаси ўқиб берилади. Сўнгра ўқувчилардан баён мазмуни ва шахсини ўзгартириб ёзиш талаб этилади. Ўқувчилар баён матнининг воқеасини ва шахсини ўзгартирган ҳолда режа тузадилар ва баён ёзадилар. Ҳеч бир ўқувчининг ёзган иши бир-бирига ўхшамайди.

**Баённи баҳолаш учун қуйидаги мезон белгиланади:**

**«5» баҳо қуйидагича ёзилган баёнга қўйилади:** мавзу режага мувофиқ ёзилган мантиқли ва мунтазам бўлса; сўз бойлиги, ифода қурилиши ва услуби адабий тил талабларига мос келса; мазмун ва ифодада бир-икки нуқсон бўлиб, битта имло ва иккита ишорат хатосига йўл қўйилса, бироқ услуб хатоси бўлмаса.

**«4» баҳо:** мавзу режа асосида тўла ёритилса, лекин баъзи кичик нуқсонларга йўл қўйилган бўлса, фикр баёнида мунтазамлик қисман бузилса, сўз танлашда ва ифода қурилишида ҳар хиллик бўлса, мазмун ва ифодада 2—3 нуқсонга йўл қўйилган бўлса, икки имло, икки ишорат, икки услубий хато мавжуд бўлса қўйилади.

**«3» баҳо:** мавзу тўлиқ ёритилмаса, мавзудан қисман четга чиқилган бўлса, воқеалар изоҳида нуқсонларга йўл қўйилса, сўз бойлиги ва ифода тузилишида ночорлик сезилиб турса, 9 тагача имло, 4 тагача ишорат, 4 тагача услубий хато бўлса қўйилади.

**«2» баҳо:** иш режага мос бўлмаса, фикр баёни ва қурилишида бузилишлар бўлса, фикрлар бир-бирига боғланмаса, сўз бойлиги жуда ночор бўлса, мазмун ва ифодада 5—6 тагача нуқсонга йўл қўйилган бўлса, саводхонликда 7 тагача имло, шунчагача ишорат ва услубий хато бўлса қўйилади.

Республикамиз маорифига йилдан йилга ўқувчилар билимини синаш, имтиҳон қилишнинг турли усуллари кириб келмоқда. Шулардан бири тестдир. Ҳозирги пайтда назорат воситаси сифатида тест усули тажрибаларда яхши натижалар бераётгани сир эмас.

«Тест» — инглизча сўз бўлиб, тестр, яъни текшириш, синаш деган маънони англатади.

Республика Халқ таълими вазирлигининг 1992—93 ўқув йилини якунлаш, синфдан синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш ҳақидаги буйруғида оғзаки имтиҳонларни тест асосида ўтказиш халқ таълими муассасасининг ихтиёрига ҳавола этилган.

Республика ўқув-методика маркази ўқитувчиларга ёрдам сифатида тест топшириқларини тайёрлаб, нашрдан чиқарди. Бу иш тест тузиш борасида дастлабки тажриба бўлганлиги ва ниҳоятда қисқа фурсатда нашрдан чиқарилганлиги учун айрим хато ва чалкашликлар бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Агар ана шундай нуқсонлар учраса, уларни тузатиб тест топшириқлари матнини ўқувчиларга ҳавола этишингизни сўраймиз.

Шунингдек, ТошДД профессори Анвар Ҳожиаҳмедов, Омонилла Мадаевларнинг «Ўзбек адабиётидан тест-синов учун машқ саволлари», Абдураззоқ Рафиев ва Ж. Худойбердиевларнинг олий ўқув юртларига кирувчилар учун «Ўзбек тилидан тест топшириқлари» рисолалари ўқитувчиларга тестнинг моҳиятини тушунишда ва тест топшириқларини тузишда намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Имтиҳонлар қандай ўтказилишидан қатъи назар, IV чорак давомида ўқувчиларга тестнинг моҳияти, унга қандай тайёргарлик кўриш, қай тарзда ўтказиш ҳақида кўрсатмалар бериб бориш, тест намуналарини ўқувчилар билан бирга тажрибадан ўтказиш талаб этилади. Айниқса, битирувчи синфларда имконият даражасида тест топшириқлари тажрибадан ўтказилиши, унинг моҳияти ўқувчилар онгига сингдирилиши шарт. (Бу ишда мактаб маъмурияти ҳам яқиндан ёрдам бериши лозим).

Тест синовлари қандай тартибда ўтказилади?

Бир вариантда имкониятга қараб 25 та, 50 та ва ҳоказо топшириқ бўлиши мумкин. Ҳар бир топшириқда 5 тадан жавоб бўлади. Ўқувчи энг тўғри жавобни белгилайди. Масалан:

**Кулган бошқалардир,**
**йиғлаган менман,**
**Ўйнаган бошқалар,**
**инграган менман.**
**Эрк эртакларини эшитган**
**бошқа,**
**Қуллик қўшиғини**
**тинглаган менман.**

Ушбу шеърий парчада қайси тасвирий восита қўлланилган? А. Ўхшатиш. В. Сифатлаш, С. Муболаға. Д. Антитеза. Г. Истиора.

Ўқувчи юқоридаги жавоблардан қайси бирини тўғри деб билса ўшани белгилайди. Ҳар бир топшириқ 1 баллдан баҳоланади.

Тест топшириқларини баҳолаш мезонини қуйидагича белгилаш маъқул кўрилмоқда. 50 та топшириқнинг ҳар бири 1 балл, жами 50 балл, ҳар бир балл 2 фоиздан 100 фоиз бўлади.

80—100 фоизгача — «5» баҳо (40—50 тагача топшириқ бажарилса).

65—80 фоизгача — «4» баҳо (33—40 тагача).

50—65 фоизгача — «3» баҳо (25—33 тагача).

50 фоиздан паст бўлса — «2» баҳо.

Тест топшириқлари 25 та тузилган бўлса, ҳар бир топшириқ 1 баллдан, ҳар бир балл 4 фоиздан 100 фоиз бўлади.

80—100 фоизгача — «5» баҳо (20—25 тагача топшириқ бажарилса).

65—80 фоизгача — «4» баҳо (16—20 тагача).

50—65 фоизгача — «3» баҳо (13—16 тагача).

50 фоиздан пасти — «2» баҳо.

Маълумки, ўқув йили якунида синфдан синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ҳар бир синфда ва ҳар бир фандан ўтказишнинг имконияти йўқ. Лекин ҳар бир ўқув фани ўқитувчиси ўз ўқувчиларига йил давомида қай даражада билим берди, қандай кўникмалар ҳосил қилди, буни ўзига мақбул усулда (гарчи жадвалда шу синфга имтиҳон қўйилмаган бўлса ҳам) текшириб, синаб кўриши, имтиҳон қилиши мумкин. Бунда ҳам тест усули жуда қўл келиши табиийдир.

**Республика ўқув-методика маркази.**

*МУНОСАБАТ*

# ФАН—САРҲАДСИЗ УММОН

Не-не сиру синоатларни ўз елкасида кўтарган она замин — борлиқ ва ундаги тириклик ҳақида болалар онгида тасаввур пайдо этувчи «Биология», «Зоология», «Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси» фанлари ҳар бир даврда ўзига хос аҳамият касб этган. Нега деганда инсониятнинг, қолаверса, бутун тириклик оламининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кенг миқёсда ўрганилиши зарур муаммо сифатида мавжуд. Балки шу боисдир, Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 56-ўрта мактаб ўқитувчиси, 26 йилдан буён ўқувчиларга мазкур фанлардан сабоқ бериб келаётган Равшан ака Ҳасанов билан ўтказган суҳбатимиз баҳслар, мунозаралар ва ўз ўрнида ҳамфикрлиликларга бой бўлди.

**— Яқин йилларгача ўқувчиларга борлиқ ва ундаги тирикликнинг пайдо бўлишини А. И. Опарин, Чарлз Дарвин таълимотларига таянган ҳолда тушунтириб келганлигимиз сир эмас. Аммо сўнгги пайтларда бу тадқиқотларни рад этувчи турли хилдаги фикрлар юзага чиқаяпти. Сизнингча, буни ўқувчиларга қандай тушунтириш керак!**

— Албатта, маълум бир воқеага ёки жараёнга таъриф беришда бир неча қарашлар мавжуд бўлган ушбу даврда болаларга уларнинг бирини ҳақиқат, дея тушунтириш нотўғри. Аксинча, ўқувчиларни жамики бу борада қилинган ишлардан воқиф этиб, уларни ҳам бирон-бир масала юзасидан бош қотиришга ундаш бизнинг вазифамиз бўлиши керак. Ҳолбуки биз, қайси мавзуни олмайлик, уни ёшларга тушунтиришда мутлақлик принципига асосланган тарзда сабоқ беришга одатланганмиз. Бу эса ўз ўрнида қарашлари, билим савиялари турлича бўлган ўқувчиларни бир хил фикрлашга, маълум бир чегарадан ҳатламасликка одатлантиради. Бу — нотўғридир.

**— Сўнгги йилларда кишилар ўртасидаги диёнат, меҳру оқибатнинг тобора йўқолиб бораётганлиги такрор-такрор айтилаяпти. Менимча, бунга одам руҳи, маънавий олами эътиборга олинмай ўрганилиши бир сабаб бўлса керак. Бу каби жиҳатларни қамраб олиш сиз ўтаётган фаннинг тўғридан-тўғри вазифаси бўлмасада, унга урғу бериб кетиш керакмикин!..**

— Одам ҳақида тушунча беришда биз унинг скелети, нерв тизгини, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, юрак функциялари ва шу каби нарсаларга эътиборни қаратамиз. Бу эса ўқувчини, сиз айтгандек, инсонни мураккаброқ тузилган механик тарзда фаолият кўрсатадиган мавжудот сифатида тушунишга ўргатади. Айни пайтда матбуот, радио ва ойнаи жаҳонда руҳлар, инсон имкониятларининг сарҳадсиз эканлиги тўғрисида турли ахборотлар бериляпти. Булар ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Одам ҳақида болаларда тўлақонли тасаввур ҳосил қилишда улар ҳам асосий ҳисобланади. Бу каби гапларни айтиш тўғридан-тўғри бизнинг вазифамиз эмаслигини таъкидладингиз. Бироқ ҳозир шундайин жиҳатларни ўргатадиган ягона бир фаннинг мактабда йўқлиги ўз-ўзидан бу юмушни бизга юклайди.

**— Ўқувчи синфхонадаги сабоқни уйда, дарслик орқали мустаҳкамлайди. Мавзулар ҳақида батафсил маълумотлар олади. Шуларни назарда тутиб, дарсликлар яратишда ҳам юқори айтилган мутлақликдан воз кечилиб, четлаб ўтилган масалалар инобатга олинса айни мақсадга мувофиқ бўларди.**

— Яқин йилларгача қайсики фан бўлсин, ундан изланишлар, билишлар сифатида эмас, балки бирон бир фирқа тарғиботчиси сифатида фойдаланилди. Ҳатто «Ботаника», «Зоология», «Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси», «Умумий биология» фанлари дарсликларини ҳам ана шу йўлдан боришга даъват этишди.

Шу пайтгача барча дарсликлар бевосита Москвадан чиққанларидан ўгирилган тарзда бизга бериларди. Уларда мавзуларга оид масалалар ҳам, мисоллар ҳам Россиянинг табиий шароитидан келиб чиқиб келтирилган. Мисол: «Организмларнинг табиатдаги мавсумий ўзгаришларга мослашуви (Фотопериодизм)» («Умумий биология», 77-бет) мавзусида Москва атрофида кун узунлиги, ҳарорат ва ёғинсочин миқдорининг мавсумий ўзгаришлари берилган. Маҳаллий ҳудудимиздаги бу каби жиҳатларнинг дарсликда йўқлиги бир талай муаммоларни келтириб чиқаради.

Ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақидаги мавзуларда ҳам кўпроқ Россияда учрайдиганлари хусусида батафсил тўхталинади. Иложи борича, бошқа манбалардан ўлкамизда ўсадиган ўсимликлар ҳамда яшайдиган ҳайвонлар ҳақида маълумотлар йиғиб, болаларга тушунтираман.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос илми, маданияти ривожининг силсиласи мавжуд. Ачинарлиси, бизнинг бу соҳадаги йўлимизда шундай катта жарлик пайдо бўлдики, у йиллар давомида тобора кенгайиб, чуқурлашиб кетди. Мен алоҳида ўз қобиғига ўралган ҳолда тараққий этиш тарафдори эмасман. Шу билан бирга бировларнинг ютуғидан қандай бўлса, шундай андоза олишга ҳам қаршиман. Фақат ижодий ўзлаштиришни йўлга қўйиш даркор. Бу йўсинда ёндашишни болаларга ўргатиш эса биринчи ўринда мактабнинг вазифасидир.

**— Равшан ака, бугунги мусоҳабамиз хамир учидан патир, дегандек бўлди. Ўйлаймизки, сиз қатори ўқувчиларга айнан шу фанлардан сабоқ бериб келаётган муаллимлар ҳам бу борада ўз фикрларини билдиришар. Шундай экан, бугун биз бу мавзуга нуқта қўйишга шошилмаймиз.**

— Ҳар кимда ҳар хил фикр деганларидек, мен ҳам ҳамкасбларимнинг ўй-ташвишлари билан қизиқаман. Газетамиз шу каби алоқаларни ўрнатишда бир кўприк бўлса, савобли ишга қўл урилгани ўша-да.

**Умуман, олганда, айнан замину ундаги тириклик мавзусини кўтариб, фаннинг нақадар сарҳадсиз уммон эканлигига, унинг ҳали тўлиқ ўрганилмаган жабҳалари талайгиналигиға бир қадар ишонч ҳосил қилдик. Бу, ўз ўрнида, ҳаёт давомийлигидан дарак бўлса ажаб эмас. Мусоҳабада келтирилган муаммоларга ва биологиянинг бошқа масалалари юзасидан Республика ўқув-методика маркази табиий фанлар бўлимининг 1-тоифали услубчиси Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Ҳозирги кунда жумҳуриятимиздаги 12 мингга яқин биология фани ўқитувчиларини ҳам юқоридаги каби фикрлар ўйлантираётган бўлса керак. Дарсликлар масаласига келсак, умумий таълим мактабларида «Умумий биология»дан янги дарслик яратувчилар гуруҳи тузилди. Бу соҳанинг етук мутахассисларидан ташкил топадиган муаллифлар гуруҳи ўқитувчилар кўнглидаги гапларни эътиборга олиб, тўлақонли қўлланма яратишларига умид боғлаймиз.

Ўсимликлар ва ҳайвонот оламини ўрганишга келсак, бу борада анчагина янгиликлар бор. Биринчи галда Ўзбекистоннинг ҳудудий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган 6—7-синфларга мўлжалланган «Ботаника», 7—8-синфлар учун «Зоология» дарсликлари нашриётга чоп этиш учун топширилган. Яқин орада улар ўқитувчилар ва ўқувчилар қўлига тегади.

Биз, муаллимларнинг ҳам мавзуларга ижодий ёндашиши тарафдоримиз. Марказга янги фикр ва ғоя билан келган ҳар бир фидойини эшитишга, у билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

**Абдусамат РАҲИМ,**
**«Маърифат» мухбири.**

ИНСОН. ҚАДР. ҚАДРИЯТ

# МОЗИЙДАН СЎЗЛАГАЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ФОРИШ ТУМАНИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ БАЙРАМИ БУ ФИКРНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАДИ.**

- **УЗИ БИР ТАРИХ БУЛМИШ ХАЛҚ УЙИНЛАРИ ЭНДИ БУТУНЛАЙ ЭЛИМИЗГА ҚАЙТАЯПТИ.**
- **1994 ЙИЛ — МИЛЛИЙ ОЛИМПИАДА ЙИЛИ БУЛАДИМИ?**
- **1-МАЙ ХАЛҚ УЙИНЛАРИ БАЙРАМИГА АЙЛАНСА...**
- **ХАЛҚ УЙИНЛАРИ. ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЗАРУР.**

* * *

Халқ ўйинлари аслида апрелнинг йигирма тўртинчисида ўтиши керак эди. Аммо ўша куни гупиллатиб қор ёғиб берди. Ниҳоят, 1 май... Ўша куни Қизилқирга одам сиғмай кетди-ёв. Узоқ-яқиндан меҳмон келаверди. Табиат ҳам охиригача тантилик қилиб берди.

## Ён дафтарга битилган истаклар

ХИРОСИМА (Япония): — Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстона алоқалар ўрнатиладиган кун узоқ эмас. Ўзбекча урф-одатларни ўрганиш, ўзбек тилини чуқур эгаллаш учун келганман. Ўйинларингиз ҳам меҳнатсевар одамларингиз каби содда, бироқ мазмунга бой экан. Японияга қайтиб бориб китоб тайёрламоқчиман. Ўз китобимда форишликлар ўтказган халқ ўйинлари ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

**Кэмилла МОСС** (АҚШ, Индиана штати): — Мустақил Ўзбекистон Республикасининг истиқлоли метин асосга эга экан. Ажойиб ўлкангиз одамларининг мафтуни бўлдим. Ўтмишига ҳурмат билан қарайдиган халқингиздан кўп нарса кутса бўлади. Диёримга олам-олам таассуротлар билан кетяпман. Агар насиб этса яна Форишга келгум бор...

## Ўйинлар тарихидан бир шингил

Халқ ўйинларига 1991 йилда асос солинди. Фориш тумани ҳокимлиги ташаббуси билан савоб ишга қўл урилди. Бир гуруҳ тиниб-тинчимас фидойилар боис ҳамма ишлар қисқа муддатда уддаланди. Сўнгра, республика миқёсида биринчи маротаба илмий-амалий анжуман ҳам ўз ишини бошлади. Аввал Жиззах шаҳрида, кейин Фориш районида қизғин баҳслар бўлди.

1992 йилнинг 19 апрелида қутлуғ иш яна давом этди. Қизилқирга тўпланган ҳамюртларимиз умри боқий халқ ўйинларининг энг яхши намуналарини томоша қилишди. Томоша қилишдигина эмас, авлоду аждодларимизнинг ақлу заковатига офарин айтиб кетишди.

1993 йилнинг май ойи халқ ўйинлари тарихида яна бир саҳифа очди...

## Меҳмон бўлиб келинг, Форишга!

— Нега бу туманни Фориш деб аташади? — Меҳмонларимиздан бири шундай дея савол ташлади.

Чор атрофи тоғу қирликлар билан ўралган, асло ўхшаши йўқ табиат маскани бўлмиш Форишга бу номни буюк соҳибқирон Амир Темур қўйган дейишади. Дарҳақиқат, ҳусн бобида Фориш нафақат Парижни, балки жаҳоннинг яна бошқа шаҳарларини ҳам орқада қолдиради-ёв. Парижда яккаю ёлғиз Эйфель минораси қад кўтарган. Форишда эса улуғвор тоғ чўққилари қад ростлаган. Улар табиат ато қилган ҳайкаллар. Бу гўшанинг тоғ ва далаларида юлдуздек ёнган чучмомаю бўтакўзларни, алвон лолақизғалдоғу яшил равочларни на Парижда, на Лондонда ва на бирор мамлакатда топасиз.

Денгиз сатҳидан 1,5—2 километр баландликда жойлашган, ҳудудий кўламига кўра Жиззах вилоятининг 52 фоизини ташкил қиладиган Фориш тумани бугунги кунда Фарғона вилоятидан ҳам йириклиги билан ажралиб туради.

Бағри кенг бу диёр ўзининг ўзбекона урф-одатларини, миллий анъаналарини кўпроқ ва узоқроқ сақлаб қола олди. Шу боис ҳам бу ўлка одамлари халқ ўйинларини ўтказишни бошлаб беришди. Мана, уч йилдирки, бу вазифани тўлалигича уддалаб ҳам келишаётир.

## Қизилқирда янграр чорловлар

**Одамлару одамлар,**
**эшитмадим деманглар,**
**Қизилқирда катта байрам бўлади,**
**Ҳамма ўйнаб кулади...**

Ям-яшил либосга бурканиб ётган сайҳон узра шўх чорловлар ҳавони тўлдириб янгради. Болакайлар тол чивиқларни от мисол миниб даврага кириб келишди. Асрлардан асрларга ўтиб келаётган инжа санъат ифодаси бўлмиш карнай-сурнайлар садоси борлиқни тўлдирди.

Саҳнага вилоятнинг ҳамма шаҳар ва туманларидан етиб келган жамоалар тўпланишди. Миллий либосларда товланиб турган қизлар меҳмонларга пешвоз чиқиб, кўклам чечакларидан гулдасталар тақдим этишди.

Халқ ўйинларини ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Гуландом СУБҲОНОВА 1993 йилги баҳсларни кириш сўзи билан очиб берди:

— Бугунги байрам — кундалик ҳаётимизда унутилаёзган халқ ўйинларига қайта-қайта ҳаёт бахш этишдек эзгу ишда ташланган хайрли қадамдир. Келажагимиз бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, соғлом бўлиб шаклланишида муҳим омил ҳисобланадиган миллий халқ ўйинларини кўз қорачиғидек асраш, бойитиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Алишер ТОШКЕНТБОЕВ барчани табриклаб, шундай деди:

— Асрлар мобайнида севиб-ардоқлаб келинган халқ ўйинларининг мустақил республикамизда қайта тикланиб, янада такомиллашиб бораётганлиги қалбимизни тўлқинлантиради. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, татар ва бошқа ўнлаб миллат ҳамда элат вакилларининг бугунги байрамдаги иштироки миллатлар ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Миллий ўйинларимизда халқларимизнинг руҳи ва ғурури, урф-одатлари ва анъаналари, тарихи ва келажак орзу-умидлари ифодаланганки, бу ҳар бир кишидан ўзгаларга нисбатан эътиборли бўлишни, иззат-икром кўрсатишни талаб этади.



## Эзгулик ҳамиша устивор

Сайлгоҳда халқ ўйинларига келган меҳмонларни кўплаб учратдик. Уларнинг айримлари билан суҳбат қурдик, фикр ва мулоҳазаларини тингладик. Мана, улар нима дейишди:

**Мустафоқул ЖЎРАЕВ, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 9-ўрта мактаб директорининг ўринбосари:**

— Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, дейишади. Икки йилдан бери Форишда халқ ўйинлари бўлишини эшитардик. Ниҳоят, насиб қилди келиш. Рости, мезбонларнинг ғайрати билан уюштирилган ўйинлар бизга ёқди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга минг раҳмат. Қадриятимизни тиклашда элга бош-қош бўлаётирлар. Ўзбекистонни дунёга танитаётирлар. Ҳали вақт келади. Форишдан бошланган халқ ўйинлари жумлаи жаҳонга маълум бўлади. Бунга шубҳа қилмаймиз.

Халқ ўйинларини кўриб қувондик. Форишга илмий экспедицияни олиб келиб, халқ ижодининг маҳсули бўлган ўйинларни бирма-бир тўплаган олим, педагогика фанлари номзоди Усмон Қорабоев, Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, толмас тарғиботчи Талъат Усмонхўжаев, Форишдаги 30-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Умур Исломов билан яқиндан танишдик. Биз ҳам туманимиз, қолаверса, вилоятимиз миқёсида халқ ўйинларини ташкил этмоқчимиз.

**Сувонқул НОРМУРОДОВ, Сурхондарё вилояти Ангор тумани спорт қўмитасининг раиси:**

— Туманимиздаги 33 та умумтаълим мактабида 87 нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчиси сабоқ беради. Сир эмас, улар ҳанузгача таълим-тарбия жараёнида эскирган, кўпроқ халқимиз урф-одатларига номувофиқ усуллардан фойдаланишаётир. Бу каби ҳолатлар республикамизнинг барча таълим масканларида учрайди десам, янглишмайман. Ўзлигимизни танияпмиз. Мустақиллигимизни қўлга олдик. Бас, шундай экан, зиё масканларига халқчил ўйинларимизни олиб кирайлик.

## Фидойиликнинг ўзи кифоя эмас

Халқ ўйинларининг тантанали очилиши маросими тугагач, ҳакамлар спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказишга киришишди. Одиллик, ҳалоллик, иш учун куйинчаклик ҳар бир тур бўйича чиқарилган натижаларда акс этди.

Мусобақалар дастурига киритилган ўн учта ўйинда ютқизган томонлар бўлмади. Жамоалар, қолаверса, жисмоний тарбия фани муаллимлари бир-бирларидан кўп нарса ўрганишди. Устоз ўқитувчилар шогирдларига ибрат бўлишди. Халқ ўйинларининг бош ҳакими этиб тайинланган Умур Исломов асосий вазифасини бажаришга ҳам, ўзи ишлайдиган 30-ўрта мактаб ўқувчиларини ўйинларга тайёрлашга ҳам вақт топа билди. Муаллим қўлида таҳсил кўраётган ўқувчилар «Минди», «Бўрон тинди» мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, барчани хурсанд қилишди.

Фориш туманидаги 1-ўрта мактаб, 30-мактаб-интернат, 59-ўрта мактаб ҳамда Осмонсойдаги 2-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари Қ. Ҳакимов, С. Жумаев, Т. Қувондиқов, О. Холназаров ҳам «Елкада кураш», «Минди», «Қулоқ чўзма», «Чавандозлар», «Отиб қочар» мусобақаларида энг юқори натижаларни қайд этишди.

Энг муҳими, 1993 йилги халқ ўйинларида вилоятдаги ҳамма шаҳар ва туманларнинг фаоллиги сезилиб турди. Агар Фориш тумани вакиллари халқ ўйинлари дастури бўйича мутлақ ғолиб бўлишса, Жиззах шаҳри, Дўстлик тумани жамоалари ҳам совринларга муносиб эканликларини амалда исботлашди. Пахтакор, Зарбдор, Зафаробод, Ғаллаорол туманларидан Форишга борган жамоалар ҳам ҳар йилдагига нисбатан қувонарли муваффақиятга эришишди.

Жиззах шаҳридаги «Суғдиёна» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси, «Дарян» агрофирмаси мутасаддилари Фориш, Зарбдор, Жиззах, Ғаллаорол, Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл туманлари жамоаларини қимматбаҳо совға-саломлар билан тақдирлашди.



## Умур Исломов нима дейди?

Суҳбатдошимиз — халқ ўйинларининг бош ҳаками Умур Исломов тумандаги Тўқай қишлоғида жойлашган 30-ўрта мактабда ишлайди. Салкам чорак аср бўлибдики, жисмоний тарбия фанидан дарс беради. Халқ ўйинлари ва унинг узоқ тарихи билан астойдил қизиқади. Нафақат вилоятда, балки республикада ҳам биринчи бўлиб шу ҳақда китоб чиқарган. Ҳозир давомини ёзишни режалаштирган.

— Халқ меросини асраш ҳам қарз, ҳам фарз. Меросимизни бойитмасак (айниқса, бугун), эртага келажагимиз олдида қарздор бўлиб қоламиз.

Уч-тўрт йил муқаддам қўлимдан келганича халқ ўйинларини тўпладим. Ёлғиз ўзим эмас, албатта. Оллоёр Тиловов, Ихтиёр Умаровдек тиниб-тинчимас ҳамкасбларим, Усмонжон (Қорабоевни айтмоқчи), Талъат ака ёрдами туфайли шундай бўлди. Гап уларни тўплаш, китоб чиқаришда эмас эди. Биз халқ ўйинларини имкони қадар кўпроқ қидириб топишни асосий вазифа қилиб қўйганмиз. Халқ ўйинлари мингга яқин экан. Ҳозир 200 дан зиёди тикланди.





Миллионлаб одамларга маълум қилиш учун ҳам тўплаш керак бу ўйинларни. Халқимизнинг неча минг йиллик тарихи билан боғлиқ мерос бу! Улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, ҳазрати Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро куч-ғайратларини, ақлу заковатларини савобли ишга бахшида айлаганларини биламиз. Шунинг учун қадимда йигит-қизларимиз ҳавас қилса арзигулик Алпомиш, сарвқомат Барчин бўлишган-да.

Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ўз вақтида чиқди деб ўйлайман. Дарҳақиқат, бугун ёш авлодни камолга етказиш ҳақида ўйлаётган эканмиз, энг аввало, оналар ҳақида қайғуришимиз лозим. Рост-да, бошқа муҳим вазифа йўқ.

Орзуларим ҳақида сўрадингиз. Орзуларим кўп. Бирини айтай. Икки йил илгари мустақил бўлдик. Ниятим шул — истиқлолимиз баркамол бўлсин. Яна бир тилагим: форишликлар бошлаб берган халқ ўйинлари жаҳонга чиқсин. Халқ ўйинлари мактабларимиздаги дарсларнинг дастурига доимий равишда кирса. Шунда болаларимиз соғлом бўлиши таъминланармиди. Туманимиздаги мактабларимизнинг кўпчилигида халқ ўйинларининг 20—30 фоизи жисмоний тарбия фани дарсларига киритилди. Албатта, бу — кам. Лекин бошланиши ёмон эмас.

Халқ ўйинларида қатнашган белоруссиялик меҳмонлардан бири айтган гап ҳали-ҳали ёдимда. Ўшанда минсклик спорт мутахассислари номидан сўзлаган меҳмонимиз «Тавба, шундай ажойиб ҳаракатли жисмоний ўйинларингиз бор экан-а. Хўш, уларни нима учун маориф дастурига киритмаслик керак?» — деган эди.

Ўшанда ўйланиб қолдим. Меҳмоннинг айтганларида жон бор эди-да... Рўй-рост айтишим керак, биз, ўқитувчиларнинг билгани фақат футбол, волейбол, баскетбол бўлиб келди. Ҳозир ҳам шундай. Тўғри, бу ўйинлар ҳам керак. Бироқ «Шакарнинг ози ширин», деган гап ҳам бор-ку? Халқ ўйинлари эса... Уларнинг қайси бирини айтай — халқ ўйинлари болаларни қизиқтиради, жалб этади. Ҳеч ким мажбур қилмайди шуғулланишга. Минг афсуски, бу ўйинларнинг борлигини бугун кўпчилик (айниқса, ёшлар) билмайди.

Дунёда такомиллашмайдиган, тараққиётга уйғунлашмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бинобарин, халқ ўйинлари ҳам.

Баъзан ўйлаб ўйимга етолмайман. Қаранг, халқимизники бўлмиш «Чавгон», «Подачи» ўйинлари алқисса чим устидаги хоккей тури сифатида дунёга танилиб кетдими? Кетди. Ўзимизнинг ўйин яна ўзимизга қайси қитъадан қайтди? Европадан ва Осиёдан-а? Балли.

Юқорида ҳам айтдим. Яна такрорлай. Ҳозир дарсларимизда кўпгина халқ ўйинларидан фойдаланаяпмиз. Вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари ёрдамини аяшмаётир. Ҳозир навбатдаги китобга керакли манбаларни йиғаяпмиз. Китобга кирадиган халқ ўйинларини такомиллаштирамиз. Ажаб эмас, мамлакатимиз биринчиликларини ўтказиш чоғида китобга кирган тавсиялар қўл келиб қолса.

Тўғри, халқ ўйинлари баъзи тузатишларга муҳтож. Бу фикрнинг тўғрилигини вақтнинг ўзи кўрсатаётир. Фақат халқ ўйинларига хос миллий руҳни сақлаб қолиш керак. Халқ ўйинлари турмушимизга кенгроқ кириб бораверсин. Ўқувчи билан ўқувчи, мактаб билан мактаб, шаҳар билан шаҳар... ғолиб бўлиш учун беллашсин.

## Нуқтаи назар

**Комил ЮСУПОВ, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси раисининг муовини:**

— Жиззах вилоятидан келажакда, албатта, чемпионлар чиқади. Ишончимиз комилки, улар халқ ўйинлари бўйича ҳурмат шоҳсупасидан жой олишади. Форишда бўлаётган халқ ўйинлари бугун-эртага мамлакатимизда халқаро мусобақаларга замин ҳозирлайди, албатта. Биз халқ ўйинлари бўйича жаҳон олимпиадасини чиқариш ҳақида ҳам ўйлаётирмиз. Насиб қилса, бу ниятимиз 1994 йилда амалга ошиб қолади. Мақсадимиз эса битта: ўзлигимизни тиклаш.

## Таклиф

**Раҳматилла МАЛИКОВ, Фориш тумани ҳокимининг ўринбосари, 1993 йилги халқ ўйинларини ўтказиш туман ташкилий қўмитаси аъзоси:**

— Ҳамкорликка нима етсин. Мана, бугун қўлни-қўлга бериб ишлашнинг натижасини кўрдик. Биз қадриятларимизни тиклашга киришдикки, бу мақсадга якка-ёлғиз эришиб бўлмаслигини тушунишимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, битта таклифни ўртага ташламоқчиман. Бу йилги халқ ўйинлари 1 майга тўғри келди. Ва шу куни меҳнаткашларнинг халқаро куни ҳам илк марта кенг нишонланмади. Чикаго шаҳрида асос солинган байрам МДҲга аъзо бўлган республикаларда турлича тантана қилинди. Биз бунга қарши эмасмиз. Хўш, биз келгусида 1 майни мамлакатимиз миқёсида халқ ўйинлари сифатида шоду хуррамлик билан қаршилашни жорий этсак-чи?! Қизилқирда ҳозир бўлган журналистлар, меҳмонлар ва бошқалар ҳам шундай фикр билдиришди.

## От чопади йигитнинг шери

Даврабоши улоқни ҳалол қилиб даврага ташлаган чавандознинг номини эълон қилишдан чарчамади ўша куни. Ҳаво ҳам туриб берди бир ёқдан. Узоқ-яқиндан етиб келган чавандозлар омадини синаб кўргали даврага от солишди.

Дупурлади отлар туёғи сайлгоҳни тўлдириб. Ишқибозлар тараф-тараф бўлиб ўзлари хуш кўрадиган чавандозларни олқишлаб туришдан зерикишмади.

Гуррос-гуррос от кезган майдон узра шеър янгради:

**Неча кунки, қишлоқ ичра**
**кезади бир гап,**
**Кўпкарининг довруғига**
**тенг шерик бўлиб.**
**«Сари полвон қамчи тортди**
**Норнинг отига,**
**Мард йигитнинг бундай ишга**
**бормайди қўли».**
**Бир пиёла чой устида**
**оқсоқоллар боз,**
**Ҳайрат билан бири қўйиб**
**бири сўз олар:**
**«От юзига қамчи тортмас**
**асл чавандоз,**
**Чавандоздан бу дунёда тантилик қолар!».**
**...Сари чиқар тулпорини етаклаб**
**бу дам,**
**Элчи йигит узангига тирайди оёқ.**
**Йўл уйғонар туёқларнинг таронасидан,**
**Енгилгина рақсга тушар**
**салобатли тоғ.**
**Мана, ўйнар кўк дарвоза қошида тулпор,**
**Элчи йигит Нор полвонга узатади хат:**
**«От ҳурмати, айбларимга бўламан иқрор,**
**Бунга элчи ва ўз отим берар кафолат».**
**Дастурхонга ярашоши тортилар шу кеч,**
**Кекса чўпон дуторини қўлига олар:**
**«Номардлардан мерос ўтар адоват, ўкинч,**
**Чавандоздан бу дунёда тантилик қолар!».**

От чопаётган мард йигитларга боқиб, кўнглимиз ғururга тўлди. Ва яна беихтиёр вилоятимизда, қолаверса, республикамизда от спортини ривожлантириши керак бўладиган болалар ва ўсмирлар мактабларининг камлигини, мавжудлари ҳам бугун иқтисодий муаммолар буҳронида қолиб ёпилай-ёпилай деб турганини эсладик.

От инсоннинг азалий ҳамроҳи, суянчиғи ва фахри. Шундай экан, ҳар бир вилоятда, албатта, от спорти мактабини очиш керак. Бу вазифани уддаласа бўлади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳам бу улуғ ишга ўз ҳиссасини бугун ё эртага, албатта, қўшади, дея ишонамиз.

## Имтиҳон «аъло» баҳога топширилди

Қизилқир халқ ўйинлари ташкилотчиларининг фаолиятига холис баҳо берди. Олдиндан айтиш керак, мезбонлар имтиҳондан «аъло» баҳо билан ўта олишди.

Мамлакатимиз истиқлоли учун қатъият билан кураш олиб борилаётган, диёримизда иқтисодий танглик сезилаётган бўлса ҳам ижтимоий-сиёсий вазият барқарор бўлиб турган бир пайтда Жиззах вилоятида яхши бир ташаббус бошланди. Сайилгоҳга шаҳар ва қишлоқлардан келган минг-минглаб одамлар юзидан хушнудлик аримади, каттаю кичик бир-бирини эъзозлади. Давлат хўжаликлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, тиббиёт, савдо, маиший хизмат ўчоқлари барчага хизмат кўрсатишди.

Халқ ўйинларини вилоятнинг Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах каби йирик туманларига кўчириш, халқимизнинг дурдона меросини кўз қорачиғи мисол авайлаш, қидириб топиш, авлодлар учун мерос қолдириш тўғрисида жўяли фикрлар айтилди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси халқ ўйинларини кенг ёйишга хизмат қилувчи қарор қабул қилгани ҳам эътибордан четда қолмади. Дарҳақиқат, учинчи йилдирки, Жиззах вилояти ташаббусни ўз қўлида ушлаб келаётир.

Эл учун яратилган маънавий неъматдан барча баҳраманд бўлиши учун ҳаммамиз масъулмиз. Бу инсоний қарзимизни узишимиз кераклигини унутишга эса ҳаққимиз йўқ.

Ўзбекистон миқёсида халқ ўйинларининг равнақ топиши ва мудом яшаб қолиши учун Давлат дастурини ишлаб чиқиш шарт.

Жиззах вилоятида халқ ўйинларининг мамлакат миқёсидаги фестивалига тайёргарлик кўришни бошлашди. Республикада биринчи маротаба уюштириладиган фестивалнинг старт олиши учун кўп ишлар қилиниши режалаштирилмоқда. Маблағ топиш билан боғлиқ юмушлар тизими, ҳомийларни аниқлаш тўғрисида бугундан бошлаб сўз юритилаётир.

Ҳамма ишлар уддаланишига кўнгилда ишонч. Ўзбекона қадриятларни камол топтириш, улуғлаш ва асраб-авайлаш билан боғлиқ савоб ишларнинг бошида билимдон, элимиз учун жонкуяр, халқимиз бахти-саодати учун фидойи инсонлар туришибди.

Юрт равнақи йўлида хизмат қилишга ҳар ким ҳам бел боғлайвермайди. Зеро, «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар якдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қаламига мансуб «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласидаги сафарбар сатрлар Форишдаги халқ ўйинларининг руҳини яққол акс эттирди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**Раҳматулла ЮНУСОВ,**
**Саъдулла ҲАКИМ.**

